


ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ ОЙНОМАСИ

3 '1992

61-йил чиқиши

Бош муҳаррир:

Ўткир ҲОШИМОВ

Таҳрир ҳайъати:

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
(Танқид ва адабиётшунослик бўлими мудири)

Машраб БОБОЕВ
(Наср бўлими мудири)

Мурод МАНСУР
(Кичик наср бўлими мудири)

Омон МУХТОРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Икром ОТАМУРОД
(Назм бўлими мудири)

Носир ФОЗИЛОВ
(Масъул котиб)

Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ)
(Мақоланавислик бўлими мудири)

МУАССИСЛАР: «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» МЕҲНАТ ЖАМОАСИ ҲАМДА ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА БИРЛАШМАСИ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Маҳмуд Сатторов

ЎТМИШНИНГ РАНГИН ЛАВҲАЛАРИ

(Кейинги йиллар тарихий асарларига қисқача бир назар)

Адабиётимиз эркин нафас ола бошлади, сиёсат сиртмоғидан қутулаёзди. Бунинг бир тасдиғини кейинги икки-уч йил оралиғида кўплаб тарихий асарлар яратилганидан билса, сезса бўлади. Илгарироқ тарихий мавзудаги бадиият намуналари минг бир чиғириқдан ўтказилгандан кейингина ўқувчига етказиларди.

Айримлар хўш, тарихий асарлар кўпайгани билан нима ўзгариб қолипти, дейиши мумкин. Албатта, бадиий асар мутолааси одамни дарров ўзгартириб юбормайди. У киши шуурини ўзига-да сездирмай ўстира боради. Хусусан, тарихий адабиёт ҳам бизнинг миллий онгимиз шаклланиши, такомилига етишида беқиёс ўрин тутади. Ўтмиш воқеа-ҳодисалардан бугунги кунга асқотадиган сабоқ чиқариб олишимизга имкон яратади.

Таҳлил объектимизга тортилган асарларнинг ҳар бирини турли нуқтаи назардан кенг ва кўламли тадқиқ этиш мумкин. Лекин биз, ушбу мақоламизда тарих ҳақиқати ҳамда ёзувчи маҳорати борасидаги фикр-мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашмоққа жазм этдик.

Шундай қилиб, сўзимизни адабий танқид эътиборини тортмаган Маннон Эгамбердиевнинг «Сариқ аждар ҳамласи» романидан бошлаймиз. Муаллиф мазкур асарида атоқли ёзувчилар Миркарим Осим ва Ёвдат Илёсов ҳикоя қилган даврдан ҳам олдинги давр тарих қаърига кўз югуртиради; бундан йигирма бир аср муқаддам кечган воқеаларни иншо қилади. Қадим фарғоналик аждодларимизнинг чет эл босқинчиларига қарши олиб борган Ватан озодлиги йўлидаги курашлари асар ғоясини ташкил этади.

Қадимги Хан салтанатининг (Хитой) босқинчилик урушларини қораловчи романда меҳнаткаш Хитой халқининг ҳам оғир солиқлар юкидан, ҳарбий истеҳкомлар қуришдаги мажбурий меҳнат азобларидан ва ниҳоят, ҳукмрон синфлар манфаати учун ўзга юртларда қурбон беришдан чеккан жафолари ҳақида ҳикоя қилинади.

Роман ғоясидан тажовузкор давлат нечоғлик буюк ва қудратли бўлмасин, у ўз озодлиги учун курашувчи кичик халқдан ҳам барибир енгилажак, деган бадиий хулоса англанади.

Қадим фидойи аждодларимизнинг жангчи либосида мажбуран ҳайдаб келтирилган, аммо урушни истамайдиган оддий хитойликлар билан, Хитой халқи билан тинч-тотув яшаши мумкинлиги талай лавҳаларда ёркин тасвирланган.

Тарихий манбалардан маълумки, Хан салтанатининг Ўрта Осиё мамлакатларига илк юриши, ҳақиқатан ҳам бундан йигирма бир аср муқаддам содир бўлган. Оқибати босқинчи давлат-қўшиннинг мағлубияти билан барҳам топган. Энг сўнггиси эса бундан қарийб уч юз йил бурун бўлиб ўтган ва бу уруш тарихга «жунғорлар юриши» номи билан киритилган. Хитойликлар бу гал Сирдарё бўйларигача — Туркистон, Тошкент, Фарғонани забт этиб, Мовароуннаҳрга ўта олмаган эдилар. Жунғорлар турли умумий ва хусусий сабабларга кўра, ўз Ватанларига мағлубият билан қайтиб кетишга мажбур бўлишганди.

«Сариқ аждар ҳамласи» романи ўз сюжети, тузилиши жиҳатидан анча пишиқ ишланган. У шакл-шамойили, мавзу талабидан келиб чиқиб, турли қадимий афсоналар, фавқулодда қизиқарли лавҳалар, донишмандлик лавҳалари, жанг-жадалдаги халқона топқирлик, айрим кашфиётлар билан бойитилган. Бу сифатларига кўра, романни малакали тарихчи-адиблар ёзган асарлардан пастга қўйиб бўлмайди. Муаллифнинг роман устида узоқ ишлагани, кўп манбаларни ўрганган, уларни эринмай саралагани, жой-жойига қўйиб чиққани сезилади. Халқ оғзаки ижоди дурдоналари ҳам бу ўринда муаллифга қимматли тарихий-бадиий манбалар ҳадя қилганини таъкидлашимиз лозим.

Тарихий асар муаллифи учун ушбу китобни яратиш жараёнида, уч муаммо (*уларни бирма-бир кўриб чиқамиз*) кўндаланг бўлиб турган. Буларнинг биринчиси: илмий-тарихий асарлардан Хан салтанати, унинг тарихи, юришлари, тараққий топиши ва инқирозини ўрганиб чиқиш. Мазкур муаммони ҳал этиш учун аёнки, махсус маълумот, имкони бўлса, ўша халқнинг фарзанди бўлмоқ талаб қилинади. Лекин биз Маннон Эгамбердиевда бу маълумот ва ўша халққа мансублик

www.ziyouz.com kutubxonasi

даражасини асар саҳифалари орқали аниқлай олмадик. Рост, хитойча ном, жойлар, сўз ва атамалар роман саҳифаларида ғиж-ғиж тўла. Уларнинг дастидан китобнинг биринчи қисмини эркин, ҳузур қилиб ўқиёлмайсиз ҳам. Аксига олиб, тушунуксиз атамаларнинг аксариятига изоҳ ҳам берилмаган. Ўзбек адибларидан ҳали бирортаси адабиётимизда, гарчи рус халқи вакиллари билан қарийб юз йилдан буён бирга яшаб келаётган бўлса-да, лекин улар ҳақида роман, қисса ёзишга журъат қилолган эмас. Бу адибларимизнинг руслар ҳаётини билмасликларидан эмас, балки бошқа халқ вакилининг ўзга халқ ҳаёти, феъл-атвори, табиати ҳақида эпик асар ёзишга маънавий ҳақ-ҳуқуқи бор-йўқлиги масаласи билан боғланади.

Туркий халқлар адабиётининг ҳозирги замон даҳо вакили Айтматов сўнгги «Қиёмат» романида насроний фуқаро образини яратиб шу кунгача боши таънаю маломатдан чиқмайди; рус адиб ва олимлари томонидан танқид остига олинди. Дунё адабиётида Айтматов шўро адабиётининг етакчи санъаткори ҳисобланади. Аммо унга ҳам бош қаҳрамон сифатида ўз халқидан бўлак халқ вакили образини яратишга маънавий ҳуқуқ йўқ экан... Шу нуқтаи назардан қараганда Маннон Эгамбердиевнинг Хитой мавзуида роман яратганини қандай баҳолаш мумкин?

Иккинчи муаммо — қадим Хитой давлати ва халқи ҳаёти, воқелиги, урф-одатлари, анъаналари билан бир қаторда кўҳна Турон замин, хусусан Фарғона халқининг ўша замондаги феъл-атвори, табиати, ҳаёт тарзи, тарихи, жуғрофиясини беш қўлдай билиш. Очиғини айтиш керак, асар воқеалари Ўрта Осиёга кўчганидан сўнг муаллифнинг қалами анча равон юради. Китобхоннинг роман воқеа ва қаҳрамонлари тақдирига қизиқиши ҳам ортади. Асар билан ўқувчи ўртасида алоқа барқарорлашади. Қамчи ва Бўтакўз, Бургут ва Ойтуққан каби бадиий тўқима образлар жонли, ҳаётий, самимий чизилади. Афсонавий ривоятлар асар ўқишлилигини орттиради.

Учинчи муаммо — жаҳон ва шўро адабиётида шаклланган тарихий наср анъаналарига амал қилган ҳолда, **ўзбек тарихий наср анъаналарини изчил давом эттириш** ва шунга муносиб асар яратиш. Бу жиҳатдан муаллиф, юқорида айтиб ўтганимиздек, рус адабиёти тарихий романчилиги анъаналарига амал қилишга интилган. Асар мазмунидан кўра, унинг шакли, айрим сюжет йўналишларида бу жиҳатлар яққол кўзга ташланади. Умуман, унда асосий мезон — миллий буёқ йўқ. Романда образларнинг қайси миллат, қайси халққа мансублигини аниқлаб олиш ундан ҳам қийин. Ўзбек халқи ва унга хос белги, хислатлар мутлақо кўзга кўринмайди.

Бизнингча, хитойлик дўстларимиз ҳам, қардош уйғур биродарларимиз ҳам «Сариқ аждар ҳамласи» романини ўз адабиётлари намунасига қўшмаса керак.

«Интиқом» тарихий қиссаси Шаҳодат Исахонованинг йирик жанрдаги илк асари. Қисса ўзбек халқининг миллий тарихий қаҳрамони Жалолиддин Хоразмшоҳ (унинг асли исми Менглибурун) ҳақидадир. XII асрда мўғулларнинг Хоразмгга юриши, Аловуддин Хоразмшоҳнинг салтанатни ташлаб қочиши, онаси Туркон хотиннинг Урганчни душман ихтиёрида қолдириб, Илол қалъасига яшириниши, Жалолиддиннинг Темур Малик огоҳлантирган суиқасд сабабли бир муддат пойтахтдан чекинишга мажбур бўлиши каби халқимиз тарихидаги энг шармандали кунлар тасвири кичик қиссага асос яратган.

Шуни айтиш лозимки, хоразмшоҳлар тарихи олдида ўзбек зиёлилари анчагина қарздор. Бу катта ва зиддиятли давр ҳақида денгиздан томчидайгина илмий ва бадиий асарлар яратилган холос. Барча катта-кичик асарлар учун хоразмшоҳлар тарихчиси Шаҳобиддин ан-Насавийнинг «Султон Жалолиддин Менглибурун суврати ва сийрати» номли китоби асос бўлмоқда.

Хўш, «Интиқом» тарихий қиссасида Шаҳодат Исахонова тутган ўзига хос ижодий йўл, янгилик нимадан иборат? Гарчи бу асарда ҳам бошқа асарлардагидай Жалолиддин бош қаҳрамон, Темур Малик унинг ўнг қўл ёрдамчиси этиб тасвирланса-да, адиба ижодкор сифатида хоразмшоҳлар даври тасвирида илк бор хотин-қизлар сиймосини биринчи ўринга олиб чиққан. Аловуддин Хоразмшоҳни маймун қилиб ўйнатишга қодир бўлган ҳокима Туркон хотун, Жалолиддиннинг онаси, маъсума малика Ойчечак бегим, омадсиз хоразмшоҳ салтанатининг ёлғиз қизи Хонсултон бегим образлари тарихий-бадиий адабиётимиз учун янгиликдир.

Тарихий манбаларда Туркон хотун ўктам малика сифатида давлат сиёсатида етакчи ўрин тутгани қайд этилади. Қариндошлик, аёллик хусусиятларидан келиб чиқиб, кўпда бу хотун сиёсий калтабинликка йўл қўяди. Чингизхон савдогар-элчиларини шафқатсиз жазолаган Ўтрор ҳокими — ўз жияни Инолхонни мўғулларга хун сифатида тутиб бериш ҳақидаги давлат қарорини бекор қилиб, чингизий ва хоразмий давлатлари ўртасида уруш келиб чиқишига сабаб туғдирган.

Шаҳодат ўз «Интиқом»ида тақдири мураккаб, зиддиятли сиёсий арбоб Туркон хотун қиёфасидаги нурли томонларни қайд этган ҳолда ожизалиги туфайли фожиага йўл қўйганини кўрсатишга интилади. Адибанинг ҳақли бадиий талқинича, Туркон хотуннинг хатоси Урганчни нажотсиз, ҳимоясиз ташлаб қочишида.

Асарда Чингизхон томонидан маҳв этилиб, хор-зор бўлган Туркон хотун Оллоҳ таоло билан мунозара қилади. Ушбу мусоҳабанинг моҳияти «гуноҳим не эди, қодир эгам? Ўзинг шафқат қил, тангрим!» дейилган таваллога биру боргинг: «Сенинг гуноҳинг кечирилмайдиган гуноҳ. Сен энг мудҳиш жиноятга қўл урдинг. Ўз она халқингни, сенинг авлодингни тахтга чиқариб улуғ қилган фуқарони ҳимоясиз ташлаб, унга хиёнат қилдинг!» деган хитоб билан якунланади. Аслан ҳақиқат бўлган бу бадиий мантиқ, бир қарашда Чингизхон ваҳшийлигини худо номи билан оқлашга уринишдек бўлиб туюлади...

Қиссада хоразмшоҳлар саройининг гўзал маликаси, сулув Хонсултоннинг шум тақдир тақозаси билан Жўжи хонадонига келин бўлиб тушиши лавҳалари ҳам адибага хос синчковлик билан бадиий таҳлил қилинган. Чингизийларнинг лавшкарбоши, навкар, душман асирларини жазолашнинг шафқатсиз усулларидан ўзбек китобхони Ян, Калашников, Миркарим Осим асарлари орқали яхши хабардор бўлса-да, аёлларга нисбатан қўлланилган жазо усуллари ҳақида «Интиқом»дан кўпгина янги бадиий маълумотлар олади. Хонсултон бегим юраксиз ва омад юз ўгирган шоҳ қизи эса-да, акаси Жалолиддин каби буюк салтанат фарзанди сифатида душман олдида ўз ғурури, номусини ерга урмайди. Қадрини баланд тутади. Бундан ғазабланган ғолиб Жўжи бўйсунмас хотин-қизларга нисбатан товонга чўғ босиш усулини қўллайди. Шуни таъкидлаш керакки, бу оғир жисмоний ва руҳий азоб тасвирини муаллиф, китобхонни ишонтирадиган даражада бадиий акс эттиролган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Интиқом»да хоразмшоҳлар вакилларининг фожиали тақдирлари билан боғлиқ барча даҳшатли воқеалар ўз ифодасини топган. Бу жиҳатдан асарни «даҳшатли воқеалар тўплами» дейиш мумкин. Жалолиддин ўз онаси Ойчечакбегим бошлиқ яқинларини сувга чўктириши, ўғли Жаҳонгирнинг фожеий тақдирини ўз кўзи билан кўриши, иниси Ўзликшоҳнинг ўғли шаҳзода Кунтуғмиш юрагининг тириклай суғуриб олиниши каби ғайриинсоний, тақдири терс ҳукмдор Аловуддин Хоразмшоҳнинг жисмоний ва руҳий азобланиб вафот этиши манзаралари бу даҳшатлар силсиласини ташкил этади.

Қиссада ажойиб, кутилмаган бир деталь борки, уни муаллифнинг ютуғи дейиш мумкин. Чингиз билан жанг қилаётган Жалолиддин Ҳинд дарёсидан кечиб ўтаётганда, ўзига ёш болани ҳамроҳ қилиб олади. Бу билан адиба кейинги авлодлар ўз Ватанлари учун мўғул ҳокимиятидан ўч олишлари тайин эканига ишора қилади.

Адибанинг тарихчи-ижодкор сифатидаги услубий йўналишини тарихчи қаламкашлар устози Миркарим Осим маҳорат мактабининг маҳсули дейиш мумкин. Чунки қиссада бадиий тўқима образлардан кам фойдаланилган ва улар асар йўналиши, бадиий ғояси учун ҳал қилувчи вазифани ўтамайдилар.

Назаримда, «Интиқом» қиссаси билан Шаҳодат Исаҳонова ёзилиши лозим бўлган катта асар олдидан бу давр мавзуига бадиий саёҳат қилган кўринади. Чунки адибанинг мазкур қиссасида келтирилган тарихий-бадиий маълумотлар, машҳур шахслар тақдири-аъмоллари тор майдонда сиқилиб, ўзини тўла намоён қила олмай қолган.

Маълумки, темурийлар илк давридаги миллий-озодлик ҳаракати сарбадорлар деб юритилган. Мазкур жамоа тўғрисида тарихий манбаларда жуда кўп ҳужжат ва маълумотлар сақланиб қолганлигига қарамай, ўзбек ўқувчиси бу ҳақда жуда кам тасаввурга эга. Сарбадорлар хуросонлик ватанпарварларнинг «фозил шаҳар қуриш» ғоясига қўшилиб, Самарқандда ҳам бу ҳаракатни қўллаб-қувватлаган халқ вакилларидир. Улар XIV асрда Мовароуннаҳр маркази Самарқандда ўз маслакларига кўра адолатли, халқнинг фозил вакиллари бошқарувидаги давлат-шаҳар тузиш йўлида жонларини фидо қилиб, бошларини дорга тиккан халқ миллий-озодлик ҳаракати аъзоларидир.

Сарбадорлар бутун Туронни, жилла қурса, Мовароуннаҳрни мўғул ҳукмронлигидан холи кўриш йўлида шафқатсиз кураш олиб борган. Сарбадорлар ўзбек халқи қадимий тарихида биринчи ва сўнгги бор миллий-озодлик ҳаракатининг ғолиби бўлган ҳаракат намунасидир. Муҳаммад Алининг «Сарбадорлар» романи («Шарқ юлдузи» 1990 йил, 8—9—10-сонлар) худди ана шу мавзуда бўлиб, унда ҳаракат аъзоларининг қисмати кенг кўламда ёритилган. Тўғрисини айтганда, биз шоирнинг илк йирик насрий асари — тарихий романини бироз ишончсизлик билан ўқий бошладик. Бироқ, роман ўқувчини ўз қаҳрамонлари тақдири-аъмоли ортидан эргаштириб кетиши, жозибали оҳанги билан бошдаги шубҳаларимизни бутунлай тарқатиб юборди.

Асарда, гарчи, сарбадорлар ҳаракати, улар раҳбарлари, айрим бош қаҳрамонлари феълатвори тадрижини ёритишга кўпроқ саҳифа бағишланган бўлса-да, бу бадиий қурилма Амир Ҳусайннинг Темур ҳамроҳлигидаги сўнгги кунлари, ёш Темурнинг тарих саҳнасига кириб келиши ҳақида ҳам маълумот беради. Романда пайғамбарона сирли бир руҳ кезиб юради. Мана шу руҳ асарни ҳаракатга келтириб туради, қаҳрамонларга жон бағишлайди. Улар раҳнамолари кўнглига келажакка умид солади. Бу шарпа эгаси Амир Темурдир.

Муҳаммад Алининг «Сарбадорлар» тарихий романи баъзи қирраларида, Қодирий услуби — лирик-ҳиссий таҳлилни эслатса-да, таҳлил манбаининг аниқ тарихий шахслар устида бориши, ўтмишдаги муайян ижтимоий ҳодисани кенг тасвир этиши, унга ижтимоий-сиёсий баҳо беришга интилиши нуқтаи назаридан кўпроқ Ойбек маҳоратидан ижодий фойдаланганини сезамиз.

Муаллиф тарихий воқеликни бадиий инъикос қилишда тарихчидан кўра, кўпроқ адабиётчи, шоирлигини кўрсатган. Романда тарихий шахс ва тўқима қаҳрамонлар тақдирига чуқур ҳиссий, инсоний муҳаббат билан ёндашилган. Мавлонозода, Абубакр Калава, Хўрдак Бухорий, Уста Кулол ва бошқа образлар тасвирида замондошларимиз учун ибратли ўринлар бор. Ана шу ўринларда ёзувчининг миллий характер яратиш бобидаги ўзига хос янгича ижодий йўл тутгани очиқ сезилади.

Тарихий шахс, давр, ижтимоий-маданий ҳаёт манзараси тасвирида қамровнинг андак чекланганлиги, айрим саҳифаларида бир томонламалик, баъзи ўринларда чуқур бадиий-психологик, характерлар кураши, тарихий давр руҳини санъаткорона очиб бериш ўрнига қаҳрамон ички нутқи, воқеа-ҳодисаларга ташқаридан аралашишга мажбур бўлиш ҳоллари, албатта, ҳали тарихий роман жанрида илк асарини яратган бошловчи адиб учун табиий ҳолдир.

«Сарбадорлар» романи тўрт сюжет чизиғида ривожланиб боради. Биринчиси — Абубакр Калава, Мавлонозода бошлиқ Самарқанд сарбадорлари катта ватанпарварлик кураши.

Иккинчи сюжет йўли — Амир Темур, Амир Ҳусайн, Чингизий ҳукмдорлар тарихий қиёфалари билан боғлиқ воқеа-ҳодисларга бағишланган. Бу жараён Амир Темурнинг тобора халқ ва лашкар орасида обрў-эътибори ошиши, салтанат сари яқинроқ силжиши ҳолатлари билан вобаста.

Учинчи чизиқни соф муҳаббат йўли эгаллаган. Бу Мавлонозода ва Жаҳон ўрталаридаги саргузаштли ишқ-муҳаббат тасвиридан иборатки, айнан мана шу чизиқда М. Алининг ёзувчи сифатидаги маҳорати янаям очиқроқ кўзга ташланади. А. Қодирийнинг Анвар ва Раъноси каби толиби илм Мавлонозода билан унинг маъшуқаси Жаҳоной ўрталаридаги беғубор, тиниқ муносабатлар гоҳ шеърий, гоҳ насрий саъж шаклларида илҳом билан тасвирланган.

Тўртинчиси Самарқанд ҳокими — асардаги энг мураккаб тақдирли, мукаммал ишланган образлардан бири Садр Сулаймон, унинг суюкли хотини Хонлиқ оқа, асранди ўғли Худобанда ҳаёт йўлларига бағишланган саҳифалардан иборатдир. Бу икки қутбдаги қаҳрамонлар ва сюжет чизиқларининг барчасини «Сарбадорлар» тарихий романининг бош қаҳрамони Мавлонозода боғлаб, бирлаштириб туради. Деярли барча аъмоллар Мавлонозода тақдирида учрашиб, кесишади.

Самарқанд мадрасасининг олд толибларидан Мавлонозода ижтимоий-сиёсий дунёқараши шаклланиб бориши билан сарбадорлар орасида ягона соҳиби девон, бош котибликка кўтарилади. Нодирбек навқирон йигит сифатида орзулар қанотидаги фидойи ошиқ. У фавқулодда ўз фирқаси раҳбари, сарбадорлар етакчиси Абубакр Калаванинг қизи Жаҳон бибини чин дилдан севиб қолади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Айниқса, кўзга яқин Жаҳоннинг шаҳар ҳокими қиёфасидаги қароқчи Қора Арлон — Садр Сулаймоннинг, ундан-да ўтиб, мамлакат ҳокими Амир Ҳусайн «эътибори»ни тортиши, ошиқ йигитлар Нодирбек, Ахий Жаббор, ота-она ва оила қадрдонлари учун жуда қимматга тушади.

Қизиғи шундаки, М. Али талқинида шахсий бахт учун кураш, яъни Жаҳонни Садр Сулаймоннинг зиндонидан, шоҳ Амир Ҳусайн «марҳамати»дан кутқазиш йўлидаги курашлар охир-оқибат халқ миллий-озодлик ҳаракатининг асосий кураш йўлига чамбарчас боғланиб кетади. Бу эса асар ва унинг қаҳрамонлари ҳаёт-кураш йўлларининг оддий халқ турмушига яқинлигини таъминлаган.

Муаллиф асар бош қаҳрамони феъл-атвори тадрижини ривожлантиришда кўрсатиб бораркан, Мавлонозода тақдиридаги қарама-қарши ҳис-туйғулар, муайян даражадаги такаббурлик, ўз илми ҳофизасига бино қўйиш баъзи дақиқаларда яккаҳокимликка интилиш жиҳатлари билан уни ўзига хос характер сифатида ёритган.

Бу ҳолатлар очиқ-ойдин бўлмаса-да, қаҳрамон ички монологи, қалб туғёнлари сифатида берилади. Биз Нодирбек қалбида кечган зиддиятларни инкор қилмаймиз. Фақат, мана шу руҳий тебранишлар, бир одам қиёфасидаги икки хил табиат, руҳий-маънавий олам етарли даражада психологик тадқиқ этилмаганини, кўп ҳолатларда эса ёзувчининг бу нияти китобхонни ишонтиролмаслигини эслатишга мажбурмиз.

Бадиий асар ёлғиз бош қаҳрамонлардан таркиб топмайди. «Сарбадорлар»да бош қаҳрамонлар табиатини кўзгудагидек ёритиб берадиган, табиатан бир-бирига ўхшамайдиган ўнлаб образлар бор. Ана шундай мураккаб тақдирли қаҳрамонлардан бири Худобанда сиймосидир. «Сарбадорлар» романининг энг фожиали саҳналаридан бири ҳам шу Шерўғлон — Худобанданинг Хонлиқ оқа бобилхонасида ўз синглиси Ширинбика-Жоннигор билан тўқнаш келиб, фавқулодда ички бир туйғу билан қариндошини таниб қолиши манзарасидир. Қиморбоз ота оила бошига солган даҳшатли тақдир мазкур лавҳада энг юксак чўққига чиқиб, фоҳиша сингил ҳокимвачча ака томонидан гуноҳга ботмасдан бурун бўғиб ўлдирилади. Тутинди «ота» Садр Сулаймон иродаси билан элга жинни деб жория қилинган Худобанда бу фожеий хўрлик лаҳзаларидан сўнг ақлий зўриқиш оқибатида, ростданам, жинни даражасига чиқади. Мазкур ҳолатларни бадиий психологик асослаш, тасвирлашда муаллиф бор маҳоратини ишга солган.

Не сабабдандир, адиб ушбу бобни «Фалакнинг шеваси» деб атайди. Назаримда, халқ ибораси-дагидай «фалакнинг гардиши» дейилса ҳеч хато бўлмас, аксинча, фалакнинг гардиши айланиб келиб, бошини йўқотган ота томонидан сочиб юборилган оилани, ака-сингилни ҳаром ишқибозлари сифатида бир-бирига қўшди, деган маъно англашилган, бу драматик саҳна атоғи мантиқан ўз ўрнига тушган бўлур эди...

Мавлонозода Амир Ҳусайн «марҳамати» замиридаги тузоқни кўради. Бироқ халқ донишманди Абубакр Калаванинг мардона лабз ва субут борасидаги содда фалсафасига қаршилик кўрсатмайди. Наврўз муносабати билан Конигилда чақирилган меҳмондорчиликка дўст-оғаси Амир Темур сарбадорлар вакилларини қўллашига ишонганидан боришга мажбур бўлади.

Адиб талқинида сарбадорлар ҳаракатига Амир Темур зимдан хайриҳоҳ қилиб кўрсатилади. Ҳатто Темур орзусидаги ҳокимият билан сарбадорлар ҳаракати жамоаси ўртасида маълум мантиқий боғлиқлик борлигига ишора ҳам сезилади.

Темурбек образи ривожи мисолида Амир Темур табиатининг шакллана боришини тадқиқ этаркан, муаллиф тарихий манбалардан ҳам ўринли фойдаланади. Хусусан, бўлажак марказлашган давлат раҳбари, жаҳонгир Темурнинг тарих зарварақларида қайд этилган Амир Ҳусайн билан ҳал қилувчи лаҳзалари эътирофи — Тангачакчак дараси қасамёди, Чиноз яқинида, Сирдарё бўйларидаги мўғуллар қўшини билан Амир Ҳусайн ва Амир Темур бошчилигидаги ҳимоячи қўшин ўртасида ўтган «Жанги лой» уруши манзаралари, Самарқанд яқинидаги Қурултой ҳамда Конигилдаги оқибати фожиа билан тугаган Наврўз тантаналари манзаралари тарихий манбаларга тўла мос келиши билан ажралиб туради.

Асар сўнггида пахтагулли чопон кийган халқ ҳокимияти вакиллари сингари Амир Темур ҳам Самарқандда, Наврўз байрами куни ўз хўжаси Амир Ҳусайн томонидан алданади. Халқ ҳокимияти сардорларининг ваҳшиёна қатл қилиниши Темурбекни ғоят ғазаблантиради. Ҳусайннинг бу номардлиги икки амир ўртасида дарз кетган муносабатни бутунлай бузади.

Сарбадорлар сардорларидан ёлғиз Мавлонозодани кутқазиб қолишга улгурган Амир Темур Ҳусайнга қарши қаратилган ғазабли «нутқи»да сарбадорларнинг, аввало, миллий-озодлик, сўнг адолатли жамият тузиш йўлидаги курашларига катта баҳо беради. Бу оддий халқ вакилларини салтанат таянчи бўлган амиру хон, беклар гуруҳларидан устун қўяди. Айниқса, сарбадорларнинг мўғул босқинчиларига қарши курашда кўрсатган қаҳрамонликларига, Самарқандни душман ҳужумидан сақлаб қолишларига қойил қолади.

Романдаги Лакшман, Нозим Меҳмет, Читрабону каби турли халқ вакиллари сиймолари, муштипар аёллар, мўйсафид чоллар, бегуноҳ болалар образлари ҳам ўзига муносиб феъл-атвор эгалари сифатида жонлантирилган. Ҳинд оиласининг ўзбек хонадонига қадрдонлиги ўша давр кўпмиллатли Самарқанд аҳли ҳаётидан бир мисол тариқасида кўрсатилганки, бу жиҳатдан ҳам биз М. Али хаёлот оламига қўшиламиз.

«Сарбадорлар» романига биринчилардан бўлиб муносабат билдирган профессор Ғ. Жалолов Амир Темур образи ҳақида фикр юритар экан, бўлажак жаҳонгир Амир Ҳусайн билан ҳамкорлик қилишга мажбур эди, деган мулоҳазага боради. Бизнингча, Улжой бегимнинг ёстиқдоши сифатида ёш Амир Темур қайнағаси Амир Ҳусайн қанотида фаолият кўрсатишдан **манфаатдор эди.** Ҳали унинг мустақил ҳукмронлик қилишига шароит, вазият етилмаган, бунга лашкарбошининг рағбати ҳам йўқ эди. Вазият етилгач, Амир Ҳусайннинг қасамхўрлиги, номардлиги, сарбадорлардан ўч олиш билан ўз обрўйини тушириб юбориши Амир Темурнинг фикрини ўзгартирди, узоққа мўлжалланган ниятини тезлаштирди, холос.

Ғ. Жалолов мақтаган сюжет — нақш олманинг оқиши, йигитнинг уни тишлаб сўнг хижолат чекиши, ризқ эгасидан ризолик тилашга отланиши ривоятининг асарга киритилиши ҳам мунозаралидир. Мен, шахсан ёзувчининг диний, фольклор асарларидан айрим ҳикоят, ривоятларни романга тўла киритиб юборишига қаршиман. Чунки бу ҳикоятлар мустақил, тугал асарлар бўлиб, улар

www.ziyouz.com kutubxonasi

аёсида асар учун зарур лавҳалар ижод қилиш мумкин, бироқ тўла ўзлаштириб, асарга «едириб» юбориш шарт эмас.

Адиб айрим тоғлар, воҳалар тасвирида «Нурота тоғлари» қабилидаги атамаларни ишлатади. Аслида бир шаҳардан кўринган ёки яқинида жойлашган тоғ ўша туманга мансуб бўлавермайди. Тоғ, дарё, ғор, сойларнинг ўз тарихий ном-атамалари бор. Бу фикрлар адиб ўзи қаламга олган вилоятлари жуғрофияси, халқи руҳиятини янада чуқурроқ ўрганиши лозим эканини кўрсатади.

«Сарбодорлар» романидаги образларнинг барчаси ўз инсоний қувват ва заифликларига эга. Тун салтанати раҳбари Шаҳриёрйи Ахий Жаббор, гадой қиёфасидаги бойвачча Абомуслим-Жалойирбек, унинг ўғли Шерўғлон-«ҳокимзода» Худобанда, махфий хизмат ва фириб устаси Абумансур, қулликдан маликаликка кўтарилиб, сўнг ахлоқий тубанлик чоҳига тушган Хонлиқ оқа, ҳокимият бандаси Қавомиддин қози сингари бир-биридан мураккаб тақдирли ҳаётий сиймолар китобхон эътиборини ўзидан узоқлаштирмайди.

Сарбадорлар давлати соҳиби девони Мавлонозода ва унинг гўзал суюклиси, ўктам қиз Жаҳонбиби тақдирлари ўқувчи қалбидан чуқур жой олади. Романда халқ ҳаракатининг Самарқанддаги оқсоқоли Абубакр Калава, унинг оқилона ҳаёт йўли, покиза турмуши ҳақида етарлича бадиий маълумот берилган. Аммо Муаллиф Калаванинг ўғли, толиби илм Шамсулмулкнинг миллий-озодлик ҳаракати йўлидаги имкониятларидан тўла фойдалана олмаган. Шамсулмулк Хуросондаги сарбадорлар билан Самарқанд сарбадорлари ўртасида отаси каби кўприк вазифасини ўтаркан, асарда янаям кўп ва кенгроқ фаолият кўрсатиш имкониятига эга эди...

Тарихий асар ҳамма замонларга хизмат қила олиши билан қадрли саналади. «Сарбадорлар» ўз ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий қарашлари билан айни пайтдаги миллий онгнинг уйғониши, жумҳуриятдаги соғлом демократик кучлар — турли оқимдаги халқ ҳаракатлари ғояларига ҳамоҳанглиги, шунинг баробарида улар фаолият йўлида тарихий сабоқ вазифасини ўташи билан қимматлидир.

Темурийлар хонадони атоқли вакиллари ҳаётида рўй берган воқеа-ҳодисаларнинг кейинчалик афсоналарга йўғрилиб кетган кўринишлари ҳозирга қадар халқ орасида яшаб келмоқда. Ана шундай ревоятлардан бирини Оқилжон Ҳусан «Устанинг муҳаббати» тарихий қиссасига («Шарқ юлдузи» 1990 й, 11-сон) асос қилиб олган.

Улардан бири Амир Темурнинг севикли хотини, бош малика Сароймулкхонимга боғлиқ ривоятдир.

Сароймулкхоним халқ орасида Бибихоним номи билан ҳам машҳурдир. Аслида амир Қозоғоннинг эркаси — чингизий ҳоқон қизи Сароймулк Амир Ҳусайнга узатилган. Амир Темур билан хўжаси Амир Ҳусайн ўрталаридаги зиддият ҳаёт-мамот кураши даражасига чиқиб, Темурнинг қўли баланд келгач, таомилга кўра хон саройи маликалари Амир Темур ихтиёрига ўтган. Амир Ҳусайннинг ўзга хотинларини лашкарбошиларига бўлиб бериб, Сароймулкни ўз никоҳига олган.

Ёзувчи-олим Маҳкам Маҳмудовнинг «Бибихоним» тарихий қиссаси ва Муҳаммад Алининг «Сарбадорлар» романида қайд қилинишича, Сароймулкхоним билан Амир Темур ўрталарида азалдан хуфя ишқий алоқа бўлган. Ва бу яқинлик Темурнинг эмас, оғир кураш йўлида Ҳусайннинг маҳв этилишига олиб келган. Шунинг учун ҳам Темур ҳокимиятни эгаллагач, ўз фидойи маъшуқаси Сароймулкни эъзозлаб, бош малика даражасига кўтарган. Ожизалар орасида фақат шу хотининг ўгит ва маслаҳатларига амал қилган.

Самарқандда қолган Сароймулкхоним соҳибқирон Темурнинг Ҳиндистонга беш йиллик юришидан ватанига қайтиб келгунича муносиб совға тайёрлашга жазм этган. Бу Самарқанд осориатиқалари орасида алоҳида ўрин тутган Бибихоним мадрасаси эди. Чўнг иншоотни тез ва сифатли битказишга уринган Сароймулк мамлакатдаги энг яхши усталарни ишга солиб, ўз қимматбаҳо тақинчоқларини-да сарфлаб, жаҳонгир қайтгунича бинони тугатишга шошилади.

Муҳташам мадрасанинг энг баланд гумбази тоқига сўнгги ғиштларни тераётган машҳур уста журъат қилиб, беш йиллик фидойи меҳнати эвазига мамлакатда якто гўзал маликадан бурқа устидан бўлса ҳам бир ўпич ҳадя этишини сўрайди. Сароймулк жавоб қилмай, саройга қайтади. Канизаклари орқали устага бир ликопчада қайнатилган, турли рангга бўялган еттита тухум ҳадя қилиб юборади. Уста боши қотиб, хижолат ичида бу тухумларни тановул қиларкан, маликанинг донолигига лол қолади. Тухумларнинг ранги, жисми бўлак-бўлак бўлгани билан ҳаммасининг таъми, мазаси бир хил эди. Демак, маликанинг рамзича, «эй қўли гул меҳнат соҳиби, аёлларнинг ҳам либоси, чеҳра тузилишлари турли-туман бўлгани билан ҳаммаси бир аёл-да, ғариб жонингни хавф остига қўйиб нима қиласан?» деган маъно келиб чиқади. Уста оқибат бу шаккоклиги учун маликадан узр сўрайди.

Ривоятда айтилишича, бу ҳодиса халқ орасида турли хил миш-мишларга сабаб туғдирган. Ундан Амир Темур ҳам хабар топиб, соҳибқирон оиласига иснод келтирмоқчи бўлган боёқиш моҳир уста ва унинг барча шерикларини қатл эттиради.

Бу ривоятни Оқилжон Ҳусан касбдоши Муҳаммад Али каби бутунлай ўз асарига киритиб юбормайди. Балки ўша ривоят асосида ўзининг тарихий-бадиий қиссасини яратади. Ёзувчи ушбу мураккаб инсоний муносабатлар моҳиятини очиб беришда ишончли бадиий воситадан фойдаланган. Бу жонли восита — ҳали 8 — 9 яшар бола шаҳзода Улуғбек сиймоси. Аслида кўнгил дарди, эришиб бўлмас илинж, ҳам инсоний, ҳам руҳоний муҳаббат ҳавасидан иборат уста ва Малика муносабатларига асарнинг етакчи қаҳрамони саналган Улуғбек жон бағишлаб туради.

Адиб қиссасининг ўзига хослиги шундаки, ривоятдан фарқли ўлароқ, асар бош қаҳрамони уста Ўроқ ҳали шогирдлик пайтида, ўн тўрт ёшида ҳозиржавобу ўктам, кўҳли қиз ўн икки яшар Саройни кўрган, унинг фавқулодда жамолига маҳлиё бўлиб, бир-икки оғиз гап ҳам ташлаган эди. Орадан йиллар ўтиб, йигит кўнглида бир даста нур бўлиб қолиб кетган ўша илиқ туйғулар Бибихоним мадрасасида яна қайта жонланади. Шаҳзода Улуғбекнинг уста Ўроқ билан қурилиш борасидаги қизиқарли мусоҳабалари табиий чиққан, эски танишлар муносабатларини қайта тиклаган.

Назаримда, адиб тарихий вазият, Амир Темур ҳаётининг сўнгги йилларига боғлиқ воқеалар асосида ўз асарини тарихий-бадиий жиҳатдан якунлайди. Сароймулкка салом беришга журъат этиб, ўзини танитган уста Ўроқ корфармолар тазйиқига учраб, шаккоклиги туфайли ўлимга ҳукм қилинади. Шаҳзода Улуғбек ёрдамида уста бу жазодан қутулиб қолади. Ёзувчи Бибихонимнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

қизлик замонидан кўнглига яқин одами — устани жазодан қутқазишга аралаша олмаслигини бадиий психологик асослай олган.

«Устанинг муҳаббати» қиссасида мусулмонона, ўзбекона, ҳаёли, иболи ишқ тасвири, ошиқ севгиси жонли иншо қилинади. Бу нозик инсоний ҳиссиёт шукрона таомилига, хоксорликка асосланган. Уста Сароймулкни қарийб етмиш йиллик умри давомида уч бора кўриш шарафига, уч гал ҳам унинг жамолидан бурқасиз баҳра олишга муяссар бўлади. Бу омад, мана шу васл бахти камбағал уста Ўроққа бир умрлик ички маънавий бойлик, бахту шодлик, қониқиш ҳадя этади.

Бу пардали муҳаббат қиссаси, аслида, болалар адибининг болалар дунёсига қилган мўъжаз, бироқ қимматли туҳфасидир. Тарихий-бадиий адабиётимизда тобора қизиқиш ортиб бораётган темурийлар даври бадиий тадқиқига бағишланган ўзига хос асар ҳамдир.

Лекин унда айрим такрор ўринлар, баъзан чўзиқ баёнчилик бор; жаҳонгирнинг ҳаммага маълум юришлари ва салтанат идора усулини ёритишда муаллиф китобийликка йўл қўйган.

Кейинги йилларда Бобур ҳаёти ва ижоди адабиёт ва санъат вакиллари томонидан бошқа тарихий шахсларга нисбатан кўпроқ ҳамда мунтазам ўрганилиб келинмоқда. Тарих, адабиётшунослик фанлари ҳам бу улуғ миллатдошимиз тақдирига кўп саҳифалар бағишланаётир. Бадиий асарлар эса шоир ва шоҳ бобомизнинг мураккаб тақдирини кўз ўнгимизга келтиришда бизга кўмаклашмоқда. Шундай вазиятда, бадиий адабиётда янги гап айтиш, Бобур ҳаётига қайтадан мурожаат қилиб, унинг қиёфасига янги чизиқлар киритишга интилиш жўн иш эмас. Қўлдош Мирзо шунга жазм қила олган ижодкор.

Ўқувчилар Қўлдош Мирзони улуғ Алишер Навоийнинг ёшлик, ўспиринлик йилларига бағишланган «Мубтало бўлдим сенга» синов асари билан танийдилар. Ёш ёзувчининг «Бобур Мирзонинг Тойлоғи» деган қиссаси ўтган йили «Шарқ юлдузи» ойномасининг 12-сонида чоп этилди. Мазкур асар П. Қодировнинг «Юлдузли тунлар» Х. Султоновнинг «Саодат соҳили» асарларидан илҳомланиб ёзилган. Қиссада Бобур ҳаётининг дастлабки фасли, шоҳлик салтанатининг илк уруш-савашлари, Бобурнинг шахс, шоир, шоҳ сифатида шаклланиш, камол топиш йиллари акс эттирилган.

Ёш ижодкор Бобур сиймосини яратаркан, устоз ва замондош ёзувчилар ижодидан ўрганган ҳолда ўз тасвир услубини яратишга, улуғ аждодимиз ҳақида янги бадиий маълумотлар беришга интилган. Хусусан, қаламкаш Бобурнинг Андижондаги дастлабки ҳукмдорлик даври, Самарқандга ҳужум ва бу юришда унинг қўли баланд келиши, Шайбоқхон билан илк савашувлари, ундан енгилиши, тағин Андижонга қайтиши, бу йўлда тағойиси Тошкент ҳокими Маҳмудхон, укаси Жаҳонгир билан бўлган зимдан ва ошкора тўқнашувлар тасвирини ишонарли чизади. Айни чоқда, суянган тоғи — халқ орасидан чиққан навкарлари, уларнинг садоқат ва эътиқодларини кўрсатиш адиб қиссасининг бош бадиий мақсадидир. Бу қисса, айнан Бобуршоҳни жаҳонга танитган ва бир умр тарихда қолдирган оддий одамларидан бири Муҳаммад Тойлоқ образини яратиши билан ўзига хос.

Ўзига хос деяпмиз-у, лекин муаллиф Муҳаммад Тойлоқ образини Бобуршоҳ қисмати орқали очади. Аксинча, Муҳаммад Тойлоқ образи орқали Бобуршоҳ қисмати ёритилганда *(буни қисса номи ҳам тақозо этади!)* ва психологик таҳлил кучайтирилганда асар ўқишлилиги шубҳасиз, ошган бўлур эди. Айни ҳолатда, ҳар икки қаҳрамон тақдири-аъмолини ёритишда тенглик *(пропорция)* бузилган.

Муҳаммад Тойлоқ худди «Юлдузли тунлар»даги Тоҳир сингари халқ орасидан чиққан, ўзи ўшлик бўлиб, Бобурнинг юртдоши ва тенгдоши сифатида унга тамасиз меҳр қўйган навкарлардан бири. У кутилмаган бир ҳужумда жасурлик билан ёш ҳокимнинг жонини ўлимдан сақлаб қолади. Шунинг учун ҳам Бобур уни ўзига хос навкар, сарой мулозими қилиб олади. Тойлоқ Мирзо нозиктаъб, шоиртабиат, навниҳол йигит. Гарчи жангда қаҳрамонлик кўрсатиб, ўз хўжасини ўлимдан сақлаб қолса-да, отилган кийикнинг томоғига тиғ уриб, сўйиб юборишдан чўчийди. Қондан қўрқади. Урушлардан ҳазар қилади. Бот-бот бу урушларнинг кимга кераклиги ҳақида оқилона бош қотириб, ўз саволларига жавоб тополмайди. Севгилиси Маҳфузага ўз туйғусини баён қилишга уялади. Тойлоқ Мирзо образи ўз ҳис-туйғу, дунёқараши, ички қарама-қаршиликлари билан биз яхши билган жаҳоншумул Бобур Мирзо сиймосини янада тўлдиради. Унинг янги қирраларини очиб беради. Асарда миллий тил, урф-одат, табиат, миллий буёқ ва муҳит ўзига хос тасвирга эга. Ундан қадим ва навқирон Ватан нафаси уриб туради.

Назаримда, миллийлик тасвирида кўп ютуқларни қўлга киритиб, ўз тасвир лавҳалари билан бизни қувонтирган адиб баъзан санавий, одатий камчиликларга ҳам йўл қўйган кўринади. Самарқанд учун ҳаёт-мамот жангида, шаҳарни қўлга киритган Бобур Мирзо ғалабасидан кейин, муаллиф тасвирича, Шайбонийхон Бухорога йўл олиб, чекинади. Аммо тарихдан маълумки, жангдан қайтиб, эгалланган Самарқандга киролмаган Шайбонийхон от жиловини қадим Туркистон сари буради ва бу заминда бир йил тайёргарлик кўриб, янаги йил кўкламида Зарафшон бўйларида ёш рақиби Бобур билан жангу жадал олиб боради ва бу жангда, ниҳоят, қўли баланд келади.

«Бобур Мирзонинг Тойлоғи» қиссасида икки ўринда сўфи азон айтаркан, жамоатни жангда шаҳид бўлган биродарлар шаънига жаноза ўқишга чақиради. Бу бизда бироз эътироз туғдиради. Ислом ақидаларидан маълумки, икки тоифа вафот топган кишиларга жаноза ўқилмайди. Уларнинг биринчиси жанг-жадалда бевақт вафот этиб, ватанини ҳимоя қилган, ислом эътиқоди билан ўз хўжаси учун жон берганлар, иккинчиси ўз жонига ўзи қасд қилган кишилар. Биринчиси шарафланса, иккинчи тоифадагилар бу имтиёздан маҳрум этилганлар сифатида жанозасиз ерга қўйилади.

Улар, балки муайян изоҳ билан киритилгандир. Бунга қарамай, Қўлдош Мирзо ўзбек тарихий насри такомилига муносиб ҳисса қўшаётган ижодкор сифатида ўз услубини яратишга ҳаракат қилмоқда.

Кейинги йиллар тарихий насримиз намуналарини кузатиш шу хулосани берадики, адабиётимизда халқимиз руҳиятидаги миллий уйғониш, ўзлигини таниб намоён этишга, бу йўлда ўтмишнинг нурли саҳифаларидан сабоқ олишга интилиш туйғулари кучаймоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда тарихий асарларда миллий замин, ўзига хос руҳий товланишларни бор бўйича ифодалаш ижобий самаралар бермоқда. Авлодлар ўртасидаги ворисийлик: қадимий маданий халқ маънавиятидаги кучли урф-одат, хулқ-атвор, барқарор руҳий қувват, биз қайд этган энг яхши тарихий асарларнинг асос-ўзагини ташкил этади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мундарижа

НАСР

Раъно Розиқова. Орзуларнинг синиқ қаноти. Ҳикоялар 3
Маъсума Аҳмедова. Тожи опанинг тугуни. Ҳикоя 13
Матлуба Деҳқон қизи. Дунё. Ҳикоя 17
Шукур Холмирзаев. Олабўжи. Романдан катта ҳикоя 27
Қиличбек Мустафоев. Икки ҳикоя 98
Иноятуллоҳ Канбу. Баҳори дониш ёхуд вафодор ва бевафо хотинлар ҳақида қисса 118

НАЗМ

Замира Рўзиева. Ўзингники бу ғолиб кунлар 9
Гулсевар Ризаева. Тилимнинг остида тарғимтош 11
Матназар Абдулҳаким. Кўчки. Достондан бўлаклар 60
Дадахон Ҳасан. Аввалги шеърлардан 116

МУШОИРА

Уммонда сочилган бир ҳовуч маржон 21

МЕРОС

Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома 65

МУЛОҲАЗА, МУҲОКАМА, МУНОЗАРА

Муҳаммад Содиқ Ҳожи Муҳаммад Юсуф. Ислом, имон, инсон. Суҳбат 86

ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР

Ҳамид Зиёев. Тўфон 104
А. Қамчинбек. Мардикор 113
Боймирза Ҳайит. Советлар Иттифоқида туркликнинг ва исломнинг баъзи масалалари 141
Нусратилло Наимов, Алиназар Эгамназаров. Амирнинг авлодлари 167
Рустам Шамсиддинов. Эркка чорлаган эрксизлик 184

АДАБИЙ ТАНҚИД

Маҳмуд Сатторов. Ўтмишнинг рангин лавҳалари 151
Умрзоқ Ўлжабоев. Муҳим маънавий мезон 163

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
№ 3
Журнал писателей Узбекистана

Издательско-полиграфический концерн «ШАРҚ» при управлении делами аппарата президента республики Узбекистан,
Ташкент — 1992

Техник муҳаррир **Ю. Абдуллаев** Навбатчи **И. Султонов**

Таҳририятга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар муаллифларига қайтарилмайди. Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни. Обунага монелик, кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда: Тошкент — 700000, Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият «Союзпечать» агентлигига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 06.01.92 й. Босишга рухсат этилди 27.01.92 й. Қоғоз формати 70×108 1/16. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма тобоғи 12. Шартли босма тобоғи 16,8. Шартли-рангли босма тобоғи 17,5. Нашриёт-ҳисоб тобоғи 18,2. Адади 86633 нусха. Буюртма 6520. Обуна баҳоси 2 сўм, сотувда 5 сўм.

Ўзбекистон республикаси президенти маҳкамасининг ишлар бошқармаси ҳузуридаги «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни. Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41.

www.ziyouz.com kutubxonasi